# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 25 декабрь, № 267 (7225) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 11 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4–5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **32-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига, шунингдек иш ҳақининг натурал қисмига:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадаллари ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар қўшилади.

Давлат ижтимоий суғуртасига тааллуқли бўлмаган шахсларга пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақига меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга ўхшаш пул таъминотининг барча турлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилади.

Ўқиш даврида тўланган стипендия пенсия сўраб мурожаат этувчининг хоҳишига кўра иш ҳақига тенглаштирилади.

Иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган ходимларнинг (якка тартибдаги тадбиркор ва у томонидан ёлланган ходимнинг, деҳқон хўжалиги ва оилавий тадбиркорлик субъекти аъзосининг) пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақининг миқдори:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадалларининг миқдоридан;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — тўланган ягона ижтимоий тўлов миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

2) **36-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет элда ёлланиб ишлаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақи қуйидагича аниқланади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадалларининг миқдоридан;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — тўланган ягона ижтимоий тўлов миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

3) **37-модда биринчи қисмининг**:

**«а» банди**:

**биринчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **биринчи** ва **иккинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«а) 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — ходим томонидан бажарилган ҳар қандай иш, агар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган бўлса»;

**иккинчи** ва **учинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**«г» банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) якка тартибдаги меҳнат ва оилавий тадбиркорлик фаолияти, шу жумладан шахсий ёрдамчи хўжаликдаги ва юридик шахс ташкил этилмаган ҳолдаги деҳқон хўжалигидаги фаолият:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — ягона ижтимоий тўлов тўланган тақдирда»;

4) **40-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет элда ишланган даврлар қуйидаги шартларга кўра меҳнат стажига қўшилади, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — ягона ижтимоий тўлов тўланган тақдирда».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **22-модда**:

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**микрофирмалар ва кичик корхоналар** — белгиланган мезонга ходимларининг сони бўйича мос келадиган юридик шахслар»;

(Давоми 2, 3, 4-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЙРОҒИ ВА ЭМБЛЕМАСИ НАМУНАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ички ишлар органлари бирдамлигини, ходимларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, улар томонидан “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” хизмат бурчи сўзсиз бажарилишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ–2883-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг байроғи ва эмблемаси намуналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, байроқ ва эмблемани тайёрлаш, фойдаланиш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 24 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 24 декабрдаги ПФ–5602-сонли Фармонига
1-илова

### Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг байроғи ТАВСИФИ



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги байроғи (кейинги ўринларда — байроқ) тўқ кулранг тўғрибурчакли матодир.

Байроқнинг олд ва орқа томонлари марказида геральдик белги — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эмблемаси тасвирланган. Эмблема диаметри 98 сантиметрли айлана ичига чизилган.

Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенглиги 125 сантиметрга тенг.

Байроқ бошқа ўлчамларда ҳам бўлиши мумкин, бироқ барча ҳолатларда байроқнинг кенглиги ва узунлиги 1:2 нисбатда бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 24 декабрдаги ПФ–5602-сонли Фармонига
2-илова

### Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг геральдик белгиси – эмблемаси ТАВСИФИ



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги геральдик белгиси — эмблемаси четлари бронза рангда ҳошияланган ҳалқали тўқ кумуш айлана кўринишига эга. Ички чизиқ марказида ҳаётий кучни ифодаловчи қизил рангли йўл-йўл чизиқ туширилган.

Ҳалқали чизиқнинг тепа қисмида бронза рангли тўғри босма ҳарфларда лотин алифбосида “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI”, пастки қисмида “ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI” сўзлари ёзилган. Ёзувлар қатъият, матонат ва шон-шарафни ифодаловчи иккита саккиз қиррали юлдуз билан бир-биридан ажратилган.

Айлана ўртасида Амир Темур қўшинлари томонидан фойдаланилган ҳамда ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояни ифодаловчи доирасимон қалқон тасвирланган. Қалқон марказида доира ичига чизилган ўнгга айланишни акс эттирувчи октограмма бўлиб, у тартиб, мувозанат ва камолотга етишишни англатади. Қалқон четлари миллий орнамент билан безатилган.

Қалқон ортида — тиғи пастга қаратилган ва диагональ тарзда кесишган икки шамшир — куч ва ҳимоянинг қадимий рамзи жойлашган. Шамширларнинг дастаси Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари — қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ҳурмат қилиш, очиқлик ва шаффофликни ифодаловчи тўртта ҳошиядан иборат.

Қалқон ҳошияси графит кулранг, шамширлар кумушрангда.

Қалқон ва шамширлар ортида тилла рангда ишланган, қанотлари ёйилган, омад ва бахт рамзи бўлган Хумо қуши тасвирланган. Бундай жойлашув мамлакатда тинчлик ва осойишталик ҳимояланганлигини, ички ишлар органлари халқ манфаатларига хизмат қилишини ифодалайди.

Геральдик белги бир рангли (силуэт) тасвирда бажарилиши мумкин.

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ КАСАБА УЮШМАЛАРИ УМУМКОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ФАХРИЙ ОЛТИН НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНАДИ

*Пойтахтимизда бўлиб ўтган Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси (КУУ) Ижроия қўмитаси сайёр йиғилишида ушбу масала кўриб чиқилди. Унда мазкур халқаро ташкилот Президенти Михаил Шмаков бошчилигидаги делегация ва Арманистон, Беларусь, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон давлатлари касаба уюшмалари марказлари раҳбарлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси масъул ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ва ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари раҳбарлари қатнашди.*

**Анжуман**

Ўзбекистонда инсон манфаатларини тўлиқ таъминлаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар бугун ўз самарасини бераётгани иштирокчилар томонидан алоҳида айтиб ўтилди. Айниқса, охирги икки йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳасида амалга оширилаётган янгиланишлар аҳоли турмуш даражасини яхшилашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Шундан келиб чиқиб, анжуманда мамлакатимиз меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, кенг миқёсда ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш ва касаба уюшмалари нуфузини ошириш борасидаги улкан хизматлари учун Президент Шавкат Мирзиёевни Касаба уюшмалари Умумконфедерациясининг “Касаба уюшма ҳаракати олдидаги хизматлари учун” Фахрий олтин нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифи бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Тадбирда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясини КУУ аъзолигига қабул қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Бугун касаба уюшмалари томонидан корхона, ташкилот, муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда иш берувчилар ҳамда касаба уюшма қўмиталари ўртасида имзоланаётган жамоа шартномалари ижтимоий таркиби кучайтириб борилябти. Буни ушбу соҳага доир муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжат — Жамоа шартномалари асосида ходимлар манфаатлари ҳимоясини кучайтириш ва даромадини ошириш доимий эътиборда бўлиб келаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу борадаги ютуқлар Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда бошқа нуфузли тузилмалар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Эндиги вазифа — Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришдан иборат. КУУ аъзолигига кириш масаласининг кун тартибига чиқиши ушбу мақсад сари ташланган навбатдаги дадил қадам бўлди.

Якунда бу масала бир овоздан қўллаб-қувватланди ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси КУУ аъзолигига қабул қилинди.

## «Ислоҳотлар муваффақиятида Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси мужассам»



**Эксклюзив интервью**

**Михаил ШМАКОВ, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси президенти:**

— Мамлакатингизнинг ички ва ташқи сиёсатини катта қизиқиш билан кузатиб келяпман. Агар ташқи сиёсатда юртингиз халқаро ҳамжамиятга ўз очиқлигини намоён этаётган бўлса, ички сиёсатда қатор долзарб масалалар баробарида, ижтимоий меҳнат соҳасидаги масалаларни муваффақиятли ҳал этиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини самарали таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Буларнинг замирида, шубҳасиз, Президент Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси мужассам.

Шуларни инобатга олиб, давлатингиз раҳбарини Касаба уюшмалари Умумконфедерациясининг “Касаба уюшма ҳаракати олдидаги хизматлари учун” Фахрий олтин нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги таклиф илгари сурилди ва бу барча аъзоларимиз томонидан қўллаб-қувватланди.

Сайёр йиғилишдаги кейинги масала — Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясини КУУга аъзо сифатида қабул қилиш бўлди. Бу масалада ҳам аъзоларимиз якдиллик кўрсатишди. Аслида, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси бунга ҳар жиҳатдан ҳақли. Фуқаролар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялаш, аҳолининг бандлиги, меҳнат муҳофазаси, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантириш йўналишларида олиб борилаётган тизимли ишлар бунинг яққол исботидир. Шуларга мос ҳолда фуқаролар ўз билим ва салоҳиятини намоён этиши ҳамда улар фаоллигини ошириш учун барча шарт-шароит яратиш чоралари кўрилмоқда.

Умуман, ташкилот таркибига янги аъзо қўшилганидан мамнунмиз. Бу келгусида аъзо давлатлар касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашига ишонаман.

**«Халқ сўзи» мухбири Зокир ХУДОЙШУКУРОВ ёзиб олди.**

**Эътироф**

## Ўзбекистон ва Хитой: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛДИ



*Ўзбекистон Буюк Ипак йўлида қадим тарихга эга бўлган давлатдир. Бой маданий мерос, табиий ресурслар ва меҳнатсевар кўп миллатли халқ республика тараққиёти учун улкан салоҳият яратди. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, барча соҳани босқичма-босқич ислоҳ қилиш ишлари давом эттирилмоқда, жумладан, ташқи сиёсат ҳам сезиларли ўзгаришларга юз тутди.*

*Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқалар илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Охирги йилларда икки томонлама муносабатлар ҳар томонлама стратегик шерикликнинг янги босқичига кўтарилди. Мамлакатларимиз ўзаро ишончни мустаҳкамлаган ҳолда яқин алоқаларни юқори ва юксак даражада қўллаб-қувватлаб келяпти.*

Жорий йил июнь ойида Хитойнинг Циндао шаҳрида ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев учрашуви чоғида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича муҳим келишувларга эришилди, ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Юқори даражадаги қатор ўзаро ташрифлар ва мулоқотлар ҳам муваффақиятли кечди. Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Кэцяннинг Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов билан учрашуви, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоиловнинг Хитойга, Хитой Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши раиси ўринбосари Батернинг Ўзбекистонга ташрифи шулар жумласидандир. Булар икки давлат етакчилари ўртасидаги келишувларни ҳаётга татбиқ этишга сезиларли туртки берди.

Ўзаро фойдали ҳамкорлик иқтисодиёт тармоқлари, хавфсизлик соҳаси ва маданий-гуманитар йўналишларда ривожланяпти. Томонлар “Бир макон, бир йўл” ташаббусини амалга ошириш, БМТ, ШҲТ ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро алоқалар олиб бормоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳам сезиларли ўсиш кузатилаётир. Биргина жорий йилнинг январь — ноябрь ойларида икки давлат ўртасидаги товар айланмаси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 32,2 фоиз ўсиб, 5,677 миллиард долларга етди.

➡4

## ЖАМИЯТГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АМАЛ ҚИЛАДИГАН ҚОНУНЛАР КЕРАК

*Сўнгги икки йил мобайнида парламент қуйи палатасида кўриб чиқилган қонун лойиҳалари сони ўрта ҳисобда 2,5 бараварга ошган. Агар 2016 йилда Қонунчилик палатаси томонидан 49 та қонун лойиҳаси кўриб чиқилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу рақам 134 тани ташкил этди.*

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Айни пайтда парламентга киритилаётган барча қонун лойиҳаларини ҳам бирдек сифатли, деб бўлмайди. Ўтган даврда қуйи палатада 68 та қонун лойиҳаси қайта ишланиб, 60 — 85 фоиз ўзгартирилган. Жумладан, асосан, ҳаволаки нормалардан иборат бўлган “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги, “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги ва бошқа ҳужжатлар депутатлар томонидан тубдан қайта ишланиб, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар сифатида қабул қилинган.

Бу, ўз навбатида, нафақат парламент, балки қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари, айниқса, вазирлик ва идораларнинг қонун ижодкорлиги иши сифатини оширишни тақозо этади. Зеро, вазирлик ва идоралар томонидан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда тор идоравий манфаатларни устун қўйиш, қонун лойиҳаларини уларни амалга оширишнинг аниқ механизмларисиз, амалиётни чуқур таҳлил этмаган ҳолда сифатсиз ишлаб чиқиш каби салбий ҳолатларга ҳанузга қадар йўл қўйилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов раҳбарлигидаги комиссиянинг навбатдаги йиғилишида ушбу масалалар яна бир бор чуқур таҳлил қилинди. Унда мазкур концепцияни амалга ошириш бўйича тузилган эксперт гуруҳлари масъулларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда Комиссия томонидан ўтган қисқа вақт мобайнида ушбу муҳим ҳужжат мазмун-моҳиятини вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар масъул ходимларига етказиш бўйича қатор тадбирлар ўтказилгани қайд этилди.

➡4

Ўзбекистон Республикасининг
## ҚОНУНИ

# Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

Ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун солиқ тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши тўғрисида солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда, ягона солиқ тўловини тўлашга ўтилаётган жорий ҳисобот даври биринчи ойининг 10-санасидан кечиктирмай хабардор қилади.

Янги тузилаётган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида танланган солиқ солиш тартибини кўрсатиш орқали ягона солиқ тўловини тўлаш тартибини танлаш ҳуқуқига эга.

Солиқ тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлашдан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда, ҳисобот даври тугаганидан сўнг ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органини хабардор қилган ҳолда, кейинги ҳисобот давридан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади.

Солиқ даврида олинган ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган ягона солиқ тўловини тўловчилар белгиланган чегаравий миқдор ошиб кетган ойдан кейинги ойнинг бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади»;

96) **352-модда** чиқариб ташлансин;

97) **353-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоидалар белгиланмаган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

98) **354-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган ягона солиқ тўловини тўловчилар, агар ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, камида ўн икки ойдан сўнг ягона солиқ тўловини тўлашга қайта ўтишга ҳақлидир.

Ушбу Кодекс 351-моддасининг бешинчи қисмида кўрсатилган солиқ тўловчилар, агар жорий солиқ даври якунларига олинган ялпи тушуми белгиланган чегаравий миқдордан ошмаса, кейинги солиқ давридан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлашга қайта ўтишга ҳақлидир.

Ягона солиқ тўловини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган биринчи чорак учун фойда солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади.

Агар ягона солиқ тўловини тўловчилар ушбу Кодекснинг 199-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни амалга оширса, қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлаши мумкин. Юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш учун ҳисобот даври бошланишидан камида бир ой олдин, янги ташкил этилган юридик шахслар эса ўз фаолиятини амалга оширишни бошлагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш тақдим этади.

Қўшилган қиймат солиғини тўлашни ягона солиқ тўловини тўловчилар томонидан рад этиш солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда, кейинги солиқ даври бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмай тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида, фақат навбатдаги солиқ даврининг бошидан эътиборан амалга оширилиши мумкин.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ушбу Кодекснинг VII бўлимида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

99) **355-модда**:

**иккинчи қисми 1-бандининг биринчи хатбошисидаги** «акциз солиғини ва бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни» деган сўзлар «ва акциз солиғини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва ушбу фаолиятни амалга ошириш учун олинган, белгиланган мақсадга кўра ва (ёки) текин келиб тушган маблағлар»;

100) **356-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) календарь йил мобайнида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган белгиланган энг юқори чегаравий миқдордан ошганлиги сабабли ягона солиқ тўловини тўлашга ўтганда якка тартибдаги тадбиркорлар учун — қатъий белгиланган солиқни тўлаш даврида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум суммасига»;

101) **363-модда**:

**учинчи қисмидаги** «умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлашга» деган сўзлар «ушбу Кодексда назарда тутилган солиқларни тўлашга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**бешинчи** — **ўнинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** — **тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**бешинчи қисмидаги** «Умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлашга» деган сўзлар «Ушбу Кодексда назарда тутилган солиқларни тўлашга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисмидаги** «ягона солиқ тўловини ёки ушбу Кодекснинг 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ тўланиши назарда тутилган фаолият доирасида қатъий белгиланган солиқни тўлаши шарт» деган сўзлар «ушбу Кодексда назарда тутилган солиқларни тўлаши шарт» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ер участкалари объектлари ва майдонларидан самарасиз фойдаланилганлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган тақдирда, ягона ер солиғини тўловчилар ушбу ер участкалари объектлари ва майдонлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ушбу Кодекс $269^1$-моддасининг учинчи қисмида ҳамда 283-моддасининг учинчи қисмида белгиланган тартибда тўлайди»;

102) қуйидаги мазмундаги **$367^1$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$367^1$-модда. Ягона ер солиғи ставкаси**

Ягона ер солиғи ставкаси қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланади»;

103) **370-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир календарь йилда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми белгиланган миқдордан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни тўловчилар ҳисобланади.

Бир календарь йил давомида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми белгиланган миқдордан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар қонун ҳужжатларида белгиланган миқдор ошган ойнинг кейинги ойидан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлашга ўтади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклида фаолият амалга оширилган тақдирда, оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрадиган якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосигина қатъий белгиланган солиқни тўловчи бўлади.

Қуйидаги якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни тўловчилар ҳисобланмайди:

мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга оширувчилар;

Электрон тижорат иштирокчиларининг миллий реестрига киритилганлар»;

104) **371** ва **372-моддалар** чиқариб ташлансин;

105) **373-модда**:

**биринчи қисмининг**:

**биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 370-моддасида кўрсатилган якка тартибдаги тадбиркорлар якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида қуйидагиларни ҳам тўлайди»;

**5-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ягона ижтимоий тўлов»;

**7-бандидаги** «Республика йўл жамғармасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

106) **$374^1$-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ходимларни ёллаган ҳолда фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни ушбу моддада назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда мазкур бобда белгиланган тартибга мувофиқ тўлайди.

Якка тартибдаги тадбиркор зиммасига ушбу Кодекснинг 311-моддасида белгиланган тартибда ягона ижтимоий тўлов тўлаш мажбурияти юклатилади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ёлланган ходими учун ҳисобга олиш карточкалари якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун ҳар бир ёлланган ходимга ягона ижтимоий тўловни ҳисоблашни тўхтатиб туришга асос бўлади.

Агар ўз фаолиятини тўхтатган якка тартибдаги тадбиркор давлат солиқ хизмати органига якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун ҳисобга олиш карточкаларини белгиланган муддатларда тақдим этмаса, якка тартибдаги тадбиркорнинг мажбуриятлари бўйича қатъий белгиланган солиқни ва ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш тўхтатилмайди»;

107) **376-модданинг иккинчи қисмидаги** «Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

108) **380-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисмидаги** «давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар чегириб ташланган ҳолдаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

109) **382-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолият фақат якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилган тақдирда, биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишни амалга оширувчи ишончли шахс мазкур маҳсулотни реализация қилишдан олинган, ушбу Кодекс 350-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида белгиланган миқдордан кам бўлмаган тушумдан ягона солиқ тўловини, шунингдек, агар биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот акциз тўланадиган маҳсулот бўлса, акциз солиғини тўлайди»;

110) **383-модда**:

**иккинчи қисмининг 6-бандидаги** «Республика йўл жамғармасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари» деган сўзлар «ягона ижтимоий тўлов» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

111) **387-модда**:

**иккинчи қисмининг**:

**олтинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**еттинчи хатбошиси олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**олтинчи хатбошисидаги** «Республика йўл жамғармасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «бозорлар даромадидан тўланадиган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар чегириб ташлангандан кейин қолган маблағларнинг 50 фоизи» деган сўзлар «50 фоизи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

112) **389-модда**:

**иккинчи қисмининг**:

**биринчи хатбошисидаги** «шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**бешинчи** ва **олтинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «Республика йўл жамғармасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

113) **390-модда**:

**иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «Республика йўл жамғармасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисмидаги** «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари» деган сўзлар «ягона ижтимоий тўлов» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

114) **391-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «Республика йўл жамғармасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда**:

қуйидаги мазмундаги **йигирма бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«фискал таваккалчиликлар — бюджет жараёни иштирокчилари учун бюджет тизими бюджетлари маблағларини шакллантириш ва сарфлашда молиявий ресурслардаги йўқотишларни баҳолаш»;

**йигирма бешинчи** — **қирқинчи хатбошилари** тегишинча **йигирма олтинчи** — **қирқ биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **22-модда**:

**иккинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«дастурий тасниф»;

**тўртинчи** — **олтинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи** — **еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Харажатларнинг дастурий таснифи давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларини бажариш учун маблағлар йўналишини акс эттирувчи харажатларни гуруҳлашдан иборатдир»;

**бешинчи** — **еттинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи — саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **36-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маблағлари солиқлар, мажбурий тўловлар ва жарималар, шунингдек бюджет субсидияларидан шакллантириладиган давлат мақсадли жамғармалари давлат функцияларини амалга ошириш учун ташкил этилади.

Давлат мақсадли жамғармалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ташкил этилади.

Давлат мақсадли жамғармалари юридик шахс шаклида ёки юридик шахс ташкил этмасдан тузилиши мумкин»;

4) **37** — **42-моддалар** чиқариб ташлансин;

5) **46-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киритиладиган давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади»;

6) **51-модданинг**:

**4-банди** чиқариб ташлансин;

**5-банди 4-банд** деб ҳисоблансин;

**4-банди** «абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов» деган сўзлардан кейин «маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича фойда келтирадиган махсулотдаги давлат улуши» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **52-модда**:

**биринчи қисми 2-бандининг**:

**иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**учинчи** — **олтинчи хатбошилари** тегишинча **иккинчи** — **бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғи учун акциз солиғи» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво учун акциз солиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **10-боб** чиқариб ташлансин;

9) **70-модда биринчи қисми 5-бандининг учинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Президенти девонини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **71-модда биринчи қисми**:

**1-бандининг тўртинчи хатбошисидаги** «ёрдамчи ташкилотларни» деган сўзлардан кейин «тиббий-меҳнат эксперт комиссияларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**2-бандининг**:

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қишлоқ хўжалиги ташкилотларини сақлаб туриш, шу жумладан ҳайвонлар касалликларига қарши курашувчи муассасалар хизматларига ҳақ тўлаш, ерларни рекультивация қилиш ишларини бажариш, шунингдек сув хўжалиги ташкилотларини сақлаб туриш»;

**олтинчи хатбошиси** «ўрмон хўжалигини» деган сўзлардан кейин «ўсимликлар карантинини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**4-бандининг учинчи хатбошиси** «Тошкент шаҳар ҳокимликлари, уларнинг бошқармалари ва бўлимларини» деган сўзлардан кейин «ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилган давлат бошқаруви органларининг бошқа ҳудудий бўлинмаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

11) **72-модда**:

**2-бандининг иккинчи хатбошиси** «лабораторияларни» деган сўздан кейин «ирригация тизимларининг ҳавза бошқармалари ҳузуридаги туманлар (Қувасой шаҳри) ирригация бўлимларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**3-банди** «бўлимларини» деган сўздан кейин «шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилган давлат бошқаруви органларининг бошқа ҳудудий бўлинмаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) **14-боб** чиқариб ташлансин;

13) **83-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаси ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжаллари ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликлари ва ўрта муддатли давр учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози асосида тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжалларини киритади»;

14) **96-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджетнома – эришилган натижалар ҳисобга олинган ҳолда мамлакатни келгуси даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини назарда тутувчи ҳужжат бўлиб, ушбу йўналишлар асосида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари шакллантирилади.

Бюджетнома қуйидагиларни ўз ичига олади:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий якунларини ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилги якунларининг прогноз баҳосини, шунингдек мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўрта муддатли давр учун асосий йўналишларини;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўрта муддатли давр учун прогнозини;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари жорий йилдаги ижросининг прогноз баҳосини;

солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳасини;

прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжалларини;

«Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашрини;

давлат қарзининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни;

солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларига, прогноз йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасига ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжалларига доир, фискал таваккалчиликларни ўз ичига олган тушунтириш хатини.

Бюджетнома:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига — жорий йилнинг 15 сентябрига қадар киритилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига хулоса тақдим этиши учун — жорий йилнинг 20 сентябрига қадар киритилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари бўйича икки ҳафталик муддатда хулоса тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига — жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан киритилади.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг, солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишларининг лойиҳалари, шунингдек Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин мажбурий равишда жамоатчилик муҳокамасига қўйилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган «Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун параллель равишда эълон қилинади»;

15) **97-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини, прогноз йил учун Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжалларини қабул қилади»;

16) **98-модданинг**:

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«98-модда. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини ҳамда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармаларининг асосий параметрларини тасдиқлаш**

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг параметрлари ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжаллари»;

**учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи** — **ўнинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи** — **тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

17) **121-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «махсус ахборот порталида (Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг махсус веб-сайтида)» деган сўзлар «операторнинг махсус ахборот порталида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат харидлари амалга оширилиши тўғрисидаги эълонларни махсус ахборот порталида жойлаштириш жорий молия йилининг 10 декабридан кечиктирмасдан амалга оширилади»;

18) **122-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан ижро этилиши лозим бўлган юридик мажбуриятлар ғазначилик бўлинмалари томонидан ҳисобга олинади»;

19) **125-модда**:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ягона ғазна ҳисобварағидаги ва бошқа банк ҳисобварақларидаги бюджет тизими бюджетларининг вақтинча бўш турган маблағларини бошқаради»;

**тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**бешинчи** ва **олтинчи қисмларидаги** «Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг» деган сўзлар «Ягона ғазна ҳисобварағининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **143-модданинг иккинчи қисми** «давлат активларини хусусийлаштиришдан» деган сўзлардан кейин «ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

21) **164-модданинг олтинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун 2019 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддаси 26-бандининг имтиёзни бекор қилишга оид қисми 2019 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 24 декабрь
№ ЎРҚ—508

Ўзбекистон ва Хитой:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛДИ

1 ➡

Ўзбекистон делегацияси Шанхайда ўтказилган Хитойнинг биринчи халқаро импорт ЭКСПО кўргазмасида иштирок этди. Мамлакатингиз илк бор ХХРга мош ва гилос экспорт қилди.

Инфратузилмалар, энергетика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, юқори технологиялар ва бошқа соҳаларда қатор қўшма лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда. Ўзбекистон томони маълумотларига кўра, республикада Хитой капитали иштирокидаги корхоналар сони 1100 тага етган.

Ҳудудлараро ҳамкорлик ҳам жадал равнақ топмоқда. Ўзбекистоннинг 13 та ҳудуди ва шаҳарлари раҳбарлари Хитойга сафар қилди, Хитойнинг ўнлаб провинциялари делегациялари Ўзбекистонга келди. Ташрифлар доирасида кенг миқёсдаги масалалар юзасидан келишувларга эришилди.

Шанхай чет тиллари университетида Ўзбекистонни тадқиқ қилиш бўйича марказнинг ташкил этилиши, Хитойдаги бир қатор ОТМда ўзбек тили ўқитилишининг бошланиши, Ўзбекистон Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институтида хитой тили курслари очилиши, Тошкент ва Самарқанддаги Конфуций институтларида таҳсил олаётганлар сонининг ошиши маданий-гуманитар соҳадаги муҳим воқеалар сирасига киради.

Мамлакатларимиз тиббиёт соҳасида ҳам ўзаро алоқаларни йўлга қўйган. Масалан, Тошкентда ХХР Фанлар академиясининг Марказий Осиёдаги дори-вор препаратларни тадқиқ қилиш марказининг янги биноси қурилди. Хитойнинг юрак-қон томири касалликлари бўйича энг яхши шифохонаси мутахассиси Ўзбекистондаги беморларни биринчи бор жарроҳлик амалиётидан ўтказди. Ўзбекистон фармацевтика тармоғининг етакчи вакиллари Хитойда малака ошириб қайтди.

Санъат намояндалари ҳам алоқалар ўрнатишяпти. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри рассомлари тажриба алмашиш мақсадида Пекин ва Шанхайга борди. Ўзбекистонда оқ-мовий чинни, “Янги Ипак йўлининг мовий контейнерлари” кўргазмалари, Хитой модалари, кино кунлари, фестиваллари ва бошқалар муваффақиятли ўтказилди.

Академик алмашинув ҳам кенгаймоқда. Тошкентда “Бир макон, бир йўл: Хитой ва Ўзбекистон “ақл марказлари” ҳамда ОАВ ўртасида мулоқот” мавзуида биринчи симпозиум ташкил этилди. Йил давомида икки мамлакат олий ўқув юртлари хитойшунослик бўйича қатор семинарлар ўтказди. Кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам ўзаро манфаатдорлик ўсиб бораётир.

Ишонаманки, келаётган 2019 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида давлат қурилиши ва миллатни тиклашда янада катта ютуқларга эришади. Ўзбекистоннинг дўст халқига бахт ва хотиржамлик тилайман!

**ЦЗЯН Янь,**
**Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси.**

# ЖАМИЯТГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АМАЛ ҚИЛАДИГАН ҚОНУНЛАР КЕРАК

1 ➡

Қонун ижодкорлиги соҳасида шу пайтга қадар учраб турган долзарб муаммолар — идоравий қонуности ҳужжатларининг кўплиги ҳамда ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзага келишига сабаб бўлаётган бошқа омилларни бартараф этиш бугунги куннинг муҳим вазифаси экани алоҳида таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, Норма ижодкорлигини такомиллаштириш концепцияси ва уни бажариш бўйича Амалий чора-тадбирларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ижро этиш, тегишли лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш бўйича вазирлик ва идораларнинг масъулиятини кучайтириш заруратига эътибор қаратилди.

Тадбирда қайд этилганидек, бундан буён қуйи палатага киритилаётган қонун лойиҳаларининг сифати, уларнинг тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат сифатида нечоғлик тайёрлангани масаласига жиддий эътибор қаратилади.

Муҳокамалар якунида Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича ишларни янада кучайтиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди. Комиссиянинг галдаги муҳим вазифаларини белгилаб берувчи тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Ҳисобот-конференция

# Беш йиллик фаолият таҳлил этилди

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Хотин-қизлар қўмитасининг 2014 — 2018 йиллардаги фаолияти якунлари ва келгусидаги вазифалари сарҳисобига бағишланган ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.*

Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Нарбаева сўзга чиқиб, қўмитанинг беш йиллик фаолияти ва устувор вазифалари, Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, Президентимизнинг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони доирасида амалга оширилган ишлар сарҳисобига алоҳида эътибор қаратди.

Хотин-қизлар қўмитаси нуфузли ташкилотдир. Қисқа давр ичида қўмита 8 давлат ва 11 нодавлат ташкилот билан ҳамкорлик меморандумлари ҳамда қўшма қарорлар қабул қилишга эришди. Биргина жорий йилнинг ўзида хотин-қизлар қўмиталари ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан 245 минг нафардан ортиқ ишсиз хотин-қизлар бандлиги таъминланди. Қўмита ташаббуси билан 2018 йилнинг ўтган даври давомида 2 минг 346 та кичик цех ташкил этилиб, 16 минг нафарга яқин хотин-қизлар ишга жойлаштирилди.

Якунда қўмитанинг келгусидаги устувор вазифалари белгилаб олинди ва ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Конференцияда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимига Танзила Нарбаева беш йилга қайта сайланди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов сўзга чиқди.

**М. АЗИЗОВА.**

# ҲАР ТЎРТИНЧИ МАҲАЛЛАДА ЖИНОЯТ КУЗАТИЛГАН. БУНГА НИМА САБАБ БЎЛЯПТИ?

*Самарқанд вилоятида умумий жиноятчилик ва жиноят-қидирув соҳасидаги жиноятлар ошмаган бўлса-да, бироқ туманлар кесимида, айниқса, айрим маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар сони ортган. Жумладан, вилоятдаги 1087 та маҳалланинг 838 тасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўйилиб, уларнинг деярли ҳар тўртинчисида жиноятлар кўпайган. Хўш, бунга нима сабаб бўлмоқда?*

## Маҳаллий Кенгашларда

Бунга ҳудудлардаги криминоген вазият ва жиноятлар динамикаси тўлиқ таҳлил қилинмагани, етарли малака, иш стажи ва тажрибага эга бўлмаган профилактика инспекторларининг тайинланиши ҳамда куч ва воситаларнинг тўғри тақсимланмаганлиги омил бўлаётгани қайд этилди. Қолаверса, баъзи маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари жамоатчилик манфаатлари йўлида жон куйдириш у ёқда турсин, ҳатто ўзлари қинғир йўлларга қадам қўяётгани жойларда нохуш статистиканинг ҳануз камаймаётганига қисман сабабдир. Жумладан, Самарқанд вилоятидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг 7 нафар ходими, яъни 5 нафар маҳалла раиси, 2 нафар масъул котиб томонидан жиноятлар содир этилгани ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссияси ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қўшма йиғилишида афсус билан тилга олинди.

Тадбир Самарқанд вилояти туманлари билан боғланган ҳолда видеоконференция тарзида ўтказилди.

Унда вилоятда жорий йилнинг ўн бир ойида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида амалга оширилган ишларни ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Кун тартибига қўйилган яна бир масала вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилаётгани бўлди. Аниқланишича, бундай жиноятлар сони Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Пастдарғом, Пахтачи, Нарпай туманларида ортган. Ўсмирлар жиноятчилигининг асосий сабаблари қаторида улар орасидаги профилактика ишларининг талаб даражасида йўлга қўйилмагани қайд этилди. Бироқ бу муаммо комплекс хусусиятга эга. Бунда нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари, балки жамоатчилик тузилмалари ва энг аввало, оила институти муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда Республика комиссияси Раиси, Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев иштирок этди.

**Умид СОРИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ВАТАН — МУҚАДДАС, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ШАРАФЛИ БУРЧДИР!

# Замонавий ҳарбий хизматчи қандай бўлиши керак?




*Юртимизда давом этаётган “Ватанпарварлик ойлиги” доирасида Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги барча ҳарбий округлар, ҳарбий қисмлар ҳамда олий ҳарбий таълим муассасалари ҳарбий хизматчилари томонидан оммавий тадбирлар ўтказилмоқда.*

Хусусан, Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида вилоят ҳокимлиги ҳамда Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги билан биргаликда “Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” шиори остида вилоят ёшлари билан учрашув уюштирилди.

— Уч фарзандим юртимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида



хизмат қилаётганидан фахрланаман, — деди булунғурлик Адолат Иброҳимова. — Бугун ана шу мард ўғлонларнинг онаси сифатида давлатимиз, халқимизнинг юксак эътиборини ҳис қилиб, ҳаёт кечиряпман. Илоҳим, осмонимиз мусаффолиги, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаётган ҳарбийлар омон бўлсин!

Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ ҳарбий қисмларидан бирида эса Нукус шаҳридаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг юзлаб ўқувчилари учун “Очиқ эшиклар куни” бўлиб ўтди. Бунда ёшлар ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишдилар, уларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш йўлида кўргазмали тадбирлар ташкил этилди.

Андижонда ойлик доирасидаги илк тадбир вилоят марказидаги Бобур номидаги майдонда ташкил этилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, кенг жамоатчилик, ҳарбий хизматчилар қатнашди.

Театрлаштирилган саҳна кўринишларида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймолари гавдалантирилди. Декорациялар, монологлар, отлиқ ва пиёда қуролбардорлар образлари орқали ўша давр руҳияти яратилди. Майдонга тантанавор марш садолари остида мудофаа ва ички ишлар бошқармалари, Миллий гвардия офицер ва аскарларидан иборат йиғма бўлинмалар кириб келганида барчанинг кўнглида чексиз ғурур туйғулари жўш урди. Қисқаси, тадбир барчада ёрқин таассурот қолдирди.

**Тимур НАРЗИЕВ.**

# Юртни мард ўғлонлар қўриқлайди

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қачон ва қандай шароитда ташкил этилган? Бир вақтлар фарзандларини армияга минг ҳадик билан кузатган оналар нега бугун ўғли ҳарбий хизматга кетаётганидан хурсанд бўлиб, кўзларига ёш олмоқда? Ҳарбий қисмларда шарт-шароитлар қандай?*

Талабалар шаҳарчасидаги Ёшлар саройида Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирда шулар хусусида атрофлича сўз юритилди.

— Тинчлик ва тараққиёт, фаровонлик ҳамда ободлик ўз-ўзидан бўлмайди, — дейди педагогика фанлари доктори, профессор Юсуф Абдуллаев. — Бу неъматларнинг барқарорлиги учун эзгу мақсадларда собитқадам бўлиш, тинчликнинг маъно-мазмунини бойитиш, бутун халқни, айниқса, ёшларни осуда ҳаёт қадрига етиб яшаш руҳида тарбиялаш даркор. Президентимизнинг шу йил 13 декабрдаги фармойишига мувофиқ, ўтказилаётган ватанпарварлик ойлиги доирасида ушбу эзгу даъватни ёшлар қалбига сингдиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Тадбирда ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар учун олий таълим муассасаларига ўқишга киришда турли имтиёзлар яратилгани таъкидланди. Мамлакатимиз мудофаа қудрати йилдан-йилга ошаётгани кўплаб халқаро рейтинг агентликлари, экспертлари томонидан юксак эътироф этилаётгани қайд қилинди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭКСПОРТНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
## МИЛЛИЙ ТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ

*Якунига етаётган йилда ташқи савдо ҳажмини жадал ошириш, валюта сиёсатини либераллаштириш, маъмурий тўсиқларни бартараф қилиш каби таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Натижада умумий ташқи савдо аввалги йилдан 17,7 фоиз, жумладан, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти 42 фоиз ошди, яна 1100 та янги корхона экспортни бошлади. 95 турдаги қўшимча маҳсулотларнинг ташқи бозорга чиқарилиши таъминланиб, маҳсулот етказиб бериш географияси яна 28 манзилга кенгайди.*

Лекин бу борадаги ишлар ҳали кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Яъни мониторинг натижалари ташқи савдо ва экспортнинг реал ўсиши амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар ҳамда иқтисодий модернизациялаш суръатларига мувофиқ эмаслигини кўрсатмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг рақобатдош афзалликларга эга тармоқларида қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар ҳануз сақланиб қолаётганлиги экспорт ҳажмининг салмоқли ўсишини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Бу каби омиллар Президентимиз томонидан имзоланган “Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда ўз ифодасини топган.

— Шу пайтгача кенг турдаги хом ашё меҳнат ресурсларидан фойдаланган ҳолда ташқи бозорлар учун рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи афзалликлардан тўлиқ фойдаланилмасдан келинаётганди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги бошқарма бошлиғи Шавкат Уралов. — Шунингдек, экспортолди ва экспортни молиялаштириш механизми ҳам мавжуд эмас эди. Бу каби кемтикликлар соҳа ривожига халал берди. Қарор ана шундай масалалар ечимида қўл келади.

Табиийки, қайд этилган муаммолар экспортни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш соҳасини такомиллаштириш, тизимга замонавий ёндашувни татбиқ этиш зарурлигини англатади. Қарорга мувофиқ, энди республика ва хориждаги фаолиятни қамраб оладиган Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизими яратилади.

Ташқи савдо вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Сардор Рўзиевнинг таъкидлашича, ушбу тизим доирасида тадбиркорлик субъектларига маркетинг, транспорт логистикаси, сертификатлаш, стандартлаштириш, солиқ ҳамда божхона масалалари, ташқи бозорларга кириш шароитлари бўйича ахборот ва маслаҳат кўмаги кўрсатилади. Шунингдек, хорижий харидорни излаш ҳамда экспорт шартномасини тузишга қадар музокаралар жараёнига, уларнинг лойиҳаларини тайёрлашга ёрдам берилади.

Бу кенг қамровли тармоқ ўзбек брендини нафақат жаҳонга янада танитади, балки хорижий бозорларда юртимиз маҳсулотлари ва хизматларининг мустаҳкам ўрин эгаллашига ҳам муҳим кўмак беради. Чунончи, чет давлатларда “Made in Uzbekistan” дастури амалга ошириладиди, электрон экспорт платформасини қўллаб-қувватлаш мақсадида бу йўналишдаги тадбиркорларга етакчи халқаро электрон тижорат сайтларига кириш учун ёрдам кўрсатилади, республика вазирликлари ва идоралари вилоятлар ҳамда туманлар ҳокимликлари ўртасида миллий маҳсулотларни чет элга экспорт қилиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли алоқалар ўрнатилади, халқаро ва хорижий молия институтларидан савдони молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар жалб қилинади.







Албатта, бу жараёнларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш муҳим масала ҳисобланади. Шу боис ҳужжатга кўра, тегишли ташкилотлар билан бир қаторда бу ишларга Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси негизида ташкил этиладиган Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳам бош-қош бўладиган бўлди.

Дарвоқе, яна бир янгилик. Эндиликда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари қошида савдо ваколатхоналари ташкил этилади. Мазкур ваколатхоналар маҳаллий тадбиркорларнинг ташқи бозорлардаги савдо операциялари жараёнида вужудга келадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий брендимизни чет элларда танитиш, янги савдо ҳамкорларни қидириш каби долзарб вазифалар билан шуғулланади.

Умуман, бугунги кунда жаҳон бозорининг маҳсулот ва хизматлар сифатига бўлган талаби тобора кучаймоқда. Бунга, албатта, биз ҳам мослашишимиз лозим. Бошқа бир томондан, халқаро экспорт бозорида эгаллаган ўрнимиз ҳам турибди. Мазкур ҳужжат ортида ўша мавқени янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.**




Туризм

# ИННОВАЦИОН ЎТОВ

*Хонобод шаҳрида фаолият юритувчи “Rust Dostlik agrosanoat” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Рустамжон Усмонов янги инновацион лойиҳага қўл урди.*





— Энг баҳаво, хушманзара ҳудудлардан бири бўлмиш Хонободда сайёҳларни жалб этишнинг янги услублари ҳақида ўйлаб қолдим, — дейди тадбиркор. — Бу нафақат туристлар, балки маҳаллий аҳоли учун ҳам хизмат қилиши керак, деган хулосага келиб, ўтовсифат, гумбазли, инновацион уй таклиф қилмоқдаман. Унда ёш оилалар учун барча шароит яратилади.

Бундай хонадонлар Япония технологияси асосида пенопласт хом ашёсидан қурилади. У меҳмонхона, ётоқхона, ҳожатхона, ошхона ва ҳаммомдан таркиб топади. Нархи 25 — 30 миллион сўм атрофида. Дастлабки босқичда Хонобод адирликларида 200 та мана шундай услубдаги уй қурилиб, 2019 йилнинг февраль ойида фойдаланишга топширилади. Кейинги босқичда эса аҳолининг талаб ва истаклари инобатга олинади.

Халқимизнинг энг қадимги ошиёни бўлган ўтовнинг замонавий, шаклланган ва жаҳон талабларига мос келадиган услубдагисида истиқомат қилиш имкони ҳар қандай кишини қизиқтириши табиий.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тадбир

# Жиноят иши материаллари билан масофадан туриб танишиш мумкин

*Айни пайтда пойтахтимизнинг Яккасарой ҳамда Миробод туманларида “Электрон жиноят иши” ахборот тизими синов тариқасида татбиқ этилмоқда. Хўш, ушбу тизимнинг афзалликлари нимада?*

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ўтказилган анжуманда бу ҳақда атрофлича тушунча ва амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил маълумот берилди.*

— “Электрон жиноят иши” ахборот тизимини яратишдан мақсад, жиноят иши юзасидан олиб борилаётган дастлабки тергов ҳаракатларини ҳамда прокурор назоратини электронлаштиришдан иборат, — дейди Бош прокурор ўринбосари Эркин Йўлдошев. — Шунингдек, бу усул орқали жиноят иши тергови иштирокчилари ўртасида тўлиқ электрон маълумот алмашинув тизими йўлга қўйилади, процессуал муддатлар ва харажатлар тежалади, айбланувчининг ҳимоячисига жиноят иши материаллари билан масофавий танишиб чиқиш ва бошқа имкониятларни яратади.

Қайд этилганидек, тизим афзалликлари кўп. Яъни бу усул жиноят процессининг шаффофлигини таъминлайди, ҳужжат қалбакилаштирилишига чек қўяди, жиноят ишлари йўқотилишининг олдини олади, қолаверса, иш ҳужжатлари билан онлайн режимида танишиш имконини яратади. Гап шундаки, “Электрон жиноят иши” АТ ҳодиса ҳақида хабар келиб тушгандан суд ҳукми чиққунга қадар бўлган жиноят процессининг барча босқичини қамраб олиши билан аҳамиятга эга.

Тадбирда ҳисобот даврида 264 260 мурожаат келиб тушгани, шулардан 41430 таси қаноатлантирилгани қайд этилди. Фуқаролар манфаатларини кўзлаб судларга 14487 даъво аризаси киритилган. Турли бошқарув органларининг фуқаролар ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларига зид равишда чиқарган 21212 ноқонуний ҳужжатига протестлар киритилиб, 16090 ҳолатда қонунбузилишлар тақдимномалар киритиш йўли билан бартараф қилинди. Жами 90143 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари бевосита прокуратуранинг аралашуви ёрдамида тикланди.

Текшириш, тергов ва бошқа прокурор тадбирлари натижасида 1 трлн. 832 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар ундириб берилган.

**Р. ОТАМУРОДОВ**
**тайёрлади.**

Хабар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 27 ОКТЯБРДАН 2 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

### I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-ҳунар таълими марказининг 2018 йил 10 сентябрдаги 10-мҳ, 9/кқ-сон “Умумий ўрта таълим мактабларининг 10, 11-синф ўқувчиларига ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

***2018 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3081. (2018 йил 30 октябрдан кучга кирди).***

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 31 октябрдаги 508-мҳ-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруғи.

***2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2202-3. (2018 йил 31 октябрдан кучга кирди).***

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 30 октябрдаги 51-сон “Дорихона шароитида “ангро” маҳсулотини қадоқлаш, ўраш, маркировка ва реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

***2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3082. (2019 йил 2 февралдан кучга киради).***

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 8 октябрдаги 7-мб-сон “2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

***2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956-4. (2019 йил 1 январдан кучга киради).***

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 8 октябрдаги 6-мб-сон “2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

***2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083. (2019 йил 1 январдан кучга киради).***

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 28 сентябрдаги 43, 13-мҳ-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги қарори.

***2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2731-1. (2018 йил 1 ноябрдан кучга кирди).***

7. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 28 сентябрдаги 14-мҳ-сон “Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

***2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3084. (2018 йил 1 ноябрдан кучга кирди).***

### II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2731, 2015 йил 23 ноябрь).

**Адлия вазирининг 2018 йил 31 октябрдаги 512-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

***Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.***

ЭЪЛОН

***Вазирликлар, идоралар, қўмиталар, ўқув ва илмий муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, хорижий, қўшма ва кичик корхоналар, фирмалар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!***

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

**2019 йил 26 январь куни соат 9.00 да 2018/2019 ўқув йили битирувчилари учун**

**«КАРЬЕРА КУНИ»ни**

**ўтказади.**

**Мазкур тадбирнинг мақсади қуйидагилардан иборат:**

— бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари бўйича университет битирувчиларининг махсус, касбий ва малакавий билимлари, қобилиятлари ҳамда малакалари тақдимоти;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, вазирликлар, идоралар, қўмиталар, ўқув ҳамда илмий муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, хорижий ва қўшма корхоналар билан университетнинг 2018/2019 ўқув йили битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича музокаралар олиб бориш;

— ўқув режаларига асосан, ўқитувчилар, талабалар ҳамда магистрларнинг, шунингдек, компаниялар ва талабаларнинг ўз ташаббуслари билан йўналишлар, дастурлар, малакавий амалиётлар мавзулари, стажировкаларини корхоналар ҳамда ташкилотларда ўтказишни муҳокама қилиш;

— кадрларга буюртма берувчи корхона ва ташкилотлар билан университет ўртасида аниқ интеграцион алоқалар ўрнатиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишлари, фундаментал ва илмий маҳсулотлар тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиш;

— иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан бакалавриат ҳамда магистратура битирувчилари ўртасида ишга жойлаштириш бўйича тўғридан-тўғри узоқ муддатга мўлжалланган алоқалар ўрнатиш ва шартномалар тузиш.

1119J/557

**Тадбир ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй, 1-ўқув биноси.**
**Маълумот олиш учун телефонлар: 71-232-64-46, 93-581-66-97.**

«Микрокредитбанк»:

# ҲАР БИР ОИЛА — ТАДБИРКОР, ҲАР БИР ОИЛА — БАХТИЁР



*Тадбиркорлик бугун ёки кеча пайдо бўлган соҳа эмас. Унинг шаклланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бироқ халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бу фазилат қулай ишбилармонлик муҳити туфайли юзага чиқа бошлади. Чунки ҳар қандай истиқболли ғоя бизнес лойиҳага айланиб, амалиётга кўчиши учун, аввало, зарур шарт-шароит, етарлича маблағ талаб этилади. Юртимизда кейинги пайтда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришда тижорат банкларининг ролини оширишга жиддий аҳамият қаратилаётганининг асл сабаби ҳам шунда.*

*Президентимизнинг 2018 йил 7 июндаги "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори, шубҳасиз, ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Зеро, мазкур ҳужжатда бизнес фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган аҳоли, айниқса, оилалар ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш, шунингдек, уларга барча босқичда яқиндан кўмаклашиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган.*

## Молия муассасаларида

Қарорнинг изчил ижросида "Микрокредитбанк" АТБ фаол иштирок этиш, тадбиркорларнинг янги синфи шаклланишига ҳам молиявий, ҳам маънавий кўмак беришга интилмоқда.

Гап шундаки, банк ходимларидан тузилган махсус ишчи гуруҳлари жойларда бўлиб, "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари ва унинг маҳаллий шароитларга мос бўлган турлари" мавзуида ўқув машғулотлари ташкил этмоқда. Ушбу жараёнда фуқароларга аниқ ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилган турли йўналишлардаги тайёр бизнес-режалар, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар рўйхати тақдим этилиб, уларнинг иқтисодий билим ва кўникмалари бойитилаётир. Натижада бизнес фаолиятини бошлаётган оилалар сони тобора кўпаймоқда. Фикримизни Сурхондарё вилояти мисолида давом эттирамиз.

**«Микрокредитбанк» АТБ Сурхондарё вилояти филиали томонидан дастур ижроси доирасида**

**9,6 миллиард**

**сўмлик кредитлар ажратилди.**

Унинг 1 миллиард 699,1 миллион сўми чорвачилик, 414 миллион сўми паррандачилик, 138,6 миллион сўми қуёнчиликни ривожлантириш, 3 миллиард 166,7 миллион сўми иссиқхоналар, 490,6 миллион сўми тикувчиликни ташкил этиш, 2 миллиард 38 миллион сўми турли хил маҳсулот ишлаб чиқаришга, 804 миллион сўми хизмат кўрсатиш соҳаси ва 869,6 миллион сўми тадбиркорликнинг бошқа турлари учун ажратилди. Натижада 350 нафарга яқин кишиларнинг бандлиги таъминланиб, кўплаб оилаларга қут-барака, файз кирди.

### Банк кредитлари асосида бизнес фаолиятини бошлаган тадбиркор оилалар вакилларининг қуйидаги дил сўзлари банк уларга яқиндан кўмакчи бўлаётганини тасдиқлайди.

**Маҳфуза ТЎЛАГАНОВА, оилавий тадбиркор (Жарқўрғон туманидаги "Жарқўрғон минораси" МФЙ):**

— Анчадан буён ишсиз эдим. "Микрокредитбанк" томонидан "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури асосида берилган 15 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига нафақат ўзим, оиламиз яна икки нафар аъзосининг бандлиги ҳам таъминланди.

Ушбу маблағни паррандачиликни ривожлантиришга сарфладик. Натижа ёмон бўлмади. Ҳозир 1000 га яқин товуқлар боқяпмиз. Энг муҳими, доимий даромадимиз манбаи шаклланиб, рўзғоримизга барака кирмоқда.



**Ситора ЖУМАЕВА, оилавий тадбиркор (Ангор туманидаги "Наврўз" МФЙ):**

— Иссиқхона қуриш борасидаги режаларим маблағ етишмаслиги туфайли амалга ошмай келаётган эди. "Микрокредитбанк" Ангор филиали томонидан ажратилган 21 миллион сўмлик имтиёзли кредит ушбу ниятим рўёбига йўл очди. Шунинг ҳисобига 3 сотихлик иссиқхона қуриб, сабзавот етиштиришни йўлга қўйдим.

Мўъжазгина иссиқхонамизда икки киши меҳнат қиляпмиз. Етиштирилган бодринг туманимиз аҳолиси дастурхонига етказиб берилмоқда.

**Ҳамалиддин УМАРОВ, хусусий корхона раҳбари (Музработ туманидаги "Юртим жамоли" МФЙ):**

— "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурига биноан, тадбиркорлик ҳаракати қўллаб-қувватланиб, имтиёзли шартларда кредитлар берилаётгани мени ташаббус кўрсатишга ундади. Яъни соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида министадион қуришга аҳд қилдим. Бу лойиҳам банк мутасаддиларига маъқул келиб, 172 миллион сўмлик кредит ажратишди. Натижада маҳалламизда замонавий стадион очилиб, минифутбол ишқибозларининг севимли масканига айланди. Хусусий корхонамизда икки киши иш билан банд. Энг муҳими, маҳалламиз ёшлари бўш вақтини мазмунли ўтказиб, спорт билан мунтазам равишда шуғулланмоқда.



**Дилмурод ГАППАРОВ, "Беҳруз Элегант Мебель" МЧЖ раҳбари (Узун туманидаги "Янги рўзғор" МФЙ):**

— Банкнинг 184 миллион сўмлик кредитидан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтириш, замонавий мебеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга муваффақ бўлдик. Сабаби маблағни ускуналар сотиб олишга йўналтирдик.

Ҳозирги пайтда 50 дан зиёд турдаги мебель жиҳозлари ишлаб чиқаряпмиз. Улар сифати юқори, нархи арзонлиги туфайли тобора харидоргир бўлиб боряпти.

**Дилфуза ШАМУРОТОВА, оилавий тадбиркор (Жарқўрғон туманидаги "Дам" МФЙ):**

— Аслида, тадбиркорликни бошлаш учун кўп нарса керак эмас экан. Елиб-югуриш ҳам шарт эмаслигига фаолиятим мисолида гувоҳман. Ўзим чевар бўлганим туфайли тикувчиликни йўлга қўйиш учун банкдан молиявий ёрдам сўрадим. Ажратилган 15 миллион сўмлик кредит ҳисобидан замонавий тикув машиналари сотиб олдим. Шу тариқа бизнес фаолиятимни йўлга қўйиб олдим. Натижада маҳалламиздаги ишсиз аёллардан уч нафари иш билан таъминланди.

Айни пайтда хотин-қизлар учун либослар тикиб, буюртмачиларга етказиб беряпмиз.

**Шаҳноза НОРМЎМИНОВА, оилавий тадбиркор (Денов туманидаги Буюк келажак маҳалласи):**

— Бугун бизнес-режам рўёбга чиқиб, тадбиркор аёллар сафидан жой олганимдан бир қувонсам, оиламиз аъзоларининг барчаси ишли бўлганидан ўн чандон севинаман. Бу муваффақиятнинг бош омили "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури ва банкнинг у асосда берилган 25 миллион сўмлик молиявий ёрдамидир. Негаки, ушбу маблағга қандолатчилик учун зарур замонавий жиҳозлар сотиб олиб, турли хилдаги ширинлик тайёрлашни йўлга қўйдик.

Юртдошларимизнинг қувончли кунларида дастурхонига тортиладиган қандолат маҳсулотлари етказиб бераётганимиздан жуда хурсандмиз.

**Асадулло САЛИМОВ, оилавий тадбиркор (Термиз туманидаги "Солиобод ҳаёт" МФЙ):**

— Ҳозир нафақадаман. Юртбошимиз ташаббуси билан тадбиркорлик ҳаракатига қаратилаётган эътибор, яратиб берилаётган қулай шароитлар ўзимни шу соҳада синаб кўришга руҳлантирди. Натижада банкдан 27 миллион сўмлик кредит олиб, чорвачиликни бошладим.

Дастлабки натижалар ёмон эмас. Шу боис чорва моллари сонини кўпайтириб, фаолиятимни кенгайтирмоқчиман.

Кўриниб турибдики, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури замондошларимиз ҳаётига янгича руҳ, оиласига фароғатчилик бахш этмоқда. Шу боис қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, уларнинг доимий даромад манбаини шакллантиришга қаратилган ушбу йўналишдаги ишлар бундан кейин ҳам жадал давом эттирилаверади.

**Нодирбек ИБОДУЛЛАЕВ.**







Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Бахтиёр Мадаминович Ҳасановга отаси **Мадамин ҲАСАНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси девони жамоаси Юридик бўлим мудири Тоҳир Тўхтамуродович Шохназаровга қизи **Нилуфар ШОХНАЗАРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент молия институти ректорати ва касаба уюшмаси институтнинг ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Фарҳод Турсунбоевич Муҳамедовга отаси **Турсунбой МАГАМЕТОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.15 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6